

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил апрель ойининг 28 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси А.Эргашевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Жумабоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона туман прокурори ёрдамчиси С.Хақимов, судланувчи С.Халматов ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат “Ҳимоядасиз” адвокатлик ҳайъати адвокати И.Носиржонов, жабрланувчилар И.Жўраев, И.Мухпиров, Д.Аллонов, Н.Турғунов ва Ж.Жўраҳоновнинг иштирокида, Халматов Санжар Сайиткамаловичга нисбатан 1-1502-2501/170-сон жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Халматов Санжар Сайиткамалович (Xalmatov Sanjar Sayitkamalovich) - 1983 йил 2 декабрь куни Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, “Betonet Korea” МЧЖ раҳбари, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Янгиобод туман судининг 2022 йил 17 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 2 ой 27 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2. жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2022 йил 28 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 62-моддаси тартибида, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 11 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3. жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2023 йил 12 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 21 ноябрдаги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг 2023 йил 12 сентябрдаги ҳукми ўзгартирилиб, ЖКнинг 60,62-моддалари тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 3 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2024 йил 1 мартдаги



ажримига кўра, ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 3 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган;

4. жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2025 йил 25 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топиб, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 27.200.000 сўм жарима ва 8 ой 9 кун озодликни чеклаш жазолари тайинланган, жазолар ижро қилинмаган, Самарқанд вилояти, Пойарик тумани, Жавшар ота м.ф.й., Дамарик кўчаси, рақамсиз уйда рўйхатда туриб, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Боротхўжа м.ф.й., Бадахшон кўчаси, 40-уйда яшайди, иш бўйича қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, 2025 йил 11 февралдан қамоқда, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олганга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш материалларини атрофлича ўрганиб чиқиб, йиғилган далилларга тегишлича баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

С.Халматов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда таниши Мирзаев Расулжон Рахимбердиевич билан ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш бўйича ўзаро олдиндан тил бириктириб, 2024 йил май ойида Жўрахонов Жавохир Жўрахоновични Жанубий Корея давлатига ишга юборишини айтиб, алдаб, уни кўп миқдордаги 9.500 АҚШ доллари ($1 \cdot 12.610.17 = 119.795.000$ сўм)ни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаган.

Бундан ташқари, С.Халматов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда такроран, таниши Мирзаев Расулжон Рахимбердиевич билан ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш бўйича ўзаро олдиндан тил бириктириб, 2024 йил май ойида Турғунов Наврўзбек Боходиржон ўғлини Жанубий Корея давлатига ишга юборишини айтиб, алдаб, уни кўп миқдордаги 9.500 АҚШ доллари ($1 \cdot 12.610.17 = 119.795.000$ сўм)ни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаган.

Бундан ташқари, С.Халматов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда такроран, таниши Мирзаев Расулжон Рахимбердиевич билан ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш бўйича ўзаро олдиндан тил бириктириб, 2024 йил май ойида Аллонов Достон Ғайбулло ўғлини Жанубий Корея давлатига ишга юборишини айтиб, алдаб, уни 9.000 кўп миқдордаги АҚШ



доллари ($1 \cdot 12.610.17 = 113.490.000$ сўм)ни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаган.

Бундан ташқари, С.Халматов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хавfli рецидивист бўлгани ҳолда такроран, таниши Мирзаев Расулжон Рахимбердиевич билан ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш бўйича ўзаро олдиндан тил бириктириб, 2024 йил май ойида Жўраев Искандар Саминжон ўғлини Жанубий Корея давлатига ишга юборишини айтиб, алдаб, уни 7.000 АҚШ доллари ($1 \cdot 12.610.17 = 88.270.000$ сўм)ни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаган.

Бундан ташқари, С.Халматов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хавfli рецидивист бўлгани ҳолда такроран, ўзининг таниши Мирзаев Расулжон Рахимбердиевич билан ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш бўйича ўзаро олдиндан тил бириктириб, 2024 йил май ойида Мухпиров Ифтихор Илсжон ўғлини Жанубий Корея давлатига ишга юборишини айтиб, алдаб, уни 7.000 АҚШ доллари ($1 \cdot 12.610.17 = 88.270.000$ сўм)ни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаган.

Судланувчи С.Халматов судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2024 йил тахминан март ойида Тошкент шаҳрида Фарғона шаҳридан бўлган Мирзаев Расул Рахимбердиевич билан танишганини, Расул билан кетаётганида унинг телефонида келган қўнғироқ эгаси билан Корейс тилида мулоқот қилганида Расул унга Корея давлатига ишлаш мақсадида кетмоқчи бўлган танишлари борлигини, олти нафар фуқарони Жанубий Корея давлатига ишлаш учун юбораман деб улардан пул олиб қўйганини айтиб, ундан ушбу фуқароларни ишга юборишга ёрдам беришини сўраганини, унга ҳаракат қилиб кўришини айтганини, Тошкент шаҳрида ишловчи Корейс миллатига мансуб танишидан ишга одам юборишга ёрдам бериш мумкинми ёки йўқми деб суриштирганини, у унга бунақа ишлар билан шуғулланмаслигини айтганини, бир неча маротаба Расул билан кўришганида у илтимос қилиб сўрайверганини, шунда у майли ҳужжатлар учун пулларни топширишсин деб айтганини, Расул уни олдида жами бўлиб олти нафар фуқароларнинг ҳужжатларини олиб келганини, шунда у пул керак бўлган вақтда ушбу фуқаролардан пул сўраб ушбу фуқаролар берган пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатганини, орадан бир қанча вақт ўтганидан кейин Расул уни олдида келиб унга пул ва ҳужжатларини берган фуқаролар пулларини сўраётганлиги ҳақида айтганини, у ушбу фуқароларни Тошкент шаҳрига чақиртириб, уларга турли хил баҳоналарни айтиб, уларга интернет тармоғидан ўзи юклаб олган Корейс ёзувида ёзилган вароқларга ушбу фуқароларнинг фото суратини жойлаб уларнинг ҳужжатлари тайёр бўлиб қолганлигини айтиб алдаб жўнатиб юборганини, Расул орқали Мавлонов Салим исмли шахсдан 4.000 АҚШ доллари, Жўраев Жавохирдан 4.000 АҚШ доллари, Турғунов Наврўздан 4.000 АҚШ доллари, Аллонов Достондан 6.000 АҚШ доллари, Жўраев Искандардан 6.000 АҚШ доллари ва Мухпиров Ифтихордан 4.000 АҚШ доллари олганини, бундан ташқари Расул унга ушбу пулларни берганидан кейин ушбу пуллардан ҳар бир фуқаро учун



1.000 АҚШ долларида пулларни қайтариб олганини, айбига тўлиқ иқдор ва қилмишидан пушаймонлигини, ҳозирда оила-аъзолари томонидан жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи С.Халматов эълон қилинган айбловга иқдор бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг жиноят содир этишда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ айбли эканлиги, суд муҳокамаси давомида текширилган қуйидаги мақбул далиллар ҳамда жабрланувчиларнинг берган кўрсатувлари билан тасдиқланади.

Жумладан, жабрланувчи И.Жўраев судда, 2024 йил тахминан март ойида Жанубий Корея давлатига ишга юбориш бўйича танлов (имтиҳон) ўтказилганини, у ушбу имтиҳонда қатнашиб имтиҳонлардан ўтолмаганини, 2024 йил йил май ойида акаси Самандар корея давлатига юбориш билан шуғулланадиган Расул исмли бола билан танишганини, шу вақтда у ҳам Мирзаев Расул билан кўришиб Корея давлатига ишга кетмоқчи эканлигини айтганини, Расул унга 9.000 АҚШ доллари берса Санжар исмли танишининг фирмаси орқали уни Корея давлатига ишга жўнатишини айтганини, у рози бўлганини, эртаси куни Расул қўнғироқ қилиб Тошкент шаҳрига боришларини айтганини, маҳалладошлари Алломов Достон ва Наврўз исмли болалар билан бирга Тошкент шаҳрига боришганини, у ерда уларни Расул кутиб олганини, Расул Санжар исмли танишига қўнғироқ қилиб чақирганини, Санжар уларга Россия меҳмонхонаси олдида кўришамиз деб айтганини, улар у айтган жойга борганида Санжар исмли шахс уларни олдида келганини, улар у билан гаплашган вақтда у ўзини “Корея Бентоните” МЧЖ директори эканлигини айтиб, ушбу фирмаси орқали уларни Корея давлатига ишга юборишини айтиб, пулини Расул билан гаплашиб оласизлар деганини, Санжар исмли шахс билан гаплашганидан кейин Расулнинг гапларига тўлиқ ишонч ҳосил қилишганини, Расул уларга пулларни тезлаштириб қилиб беринглар деганини, улар ортга қайтиб келишганини, орадан тахминан 4-5 кун ўтиб Расул қўнғироқ қилиб, ҳужжатларни тайёрлаш учун 2.000 АҚШ доллари беришини айтганини, у Расулга Фарғона тумани Анги аср М.Ф.Й. М.Шукронаси кўчаси 419-уйнинг олдида 2.000 АҚШ долларини берганини, Расул пулларни олиб кетганидан кейин орадан тахминан 3-4 кун вақт ўтиб Расул унга телефон қилиб Тошкент шаҳрига Санжар исмли шахсни олдида боришлари кераклигини айтганини, шунда улар Ифтихор ака, Достон ва Жавохир исмли кўшнилари билан бирга Тошкент шаҳрига боришганини, Расул уларни кутиб олиб Санжарни олдида олиб боришганини, Санжар уларга ҳужжатларни тайёрлаётганини ва тез орада уларни Корея давлатига жўнатиб юборишини айтиб уларга корейс тилида ёзилган ҳужжатларни кўрсатганини, улар ушбу ҳужжатлар нима эканлигини тушунишмаганини, улар яшаш уйларида келганидан кейин 2024 йил май ойи давомида Расул ундан ҳужжатлар учун бўлиб бўлиб яна 5.000 АҚШ доллари олганини, Санжар уларни Тошкент шаҳрига чақиртириб, уларга қандайдур ҳужжатларни бериб, ушбу ҳужжатлар Корея давлатидаги корхоналарнинг таклиф қоғозлари эканлигини виза ҳужжатлари ҳам тайёр



бўлганини айтиб, қолган пулларни ҳам тезроқ тўлаб беришларини айтганини, пул тополмаганлиги сабабли келишувдаги 2.000 АҚШ долларини бера олмаганини, қолган шериклари эса яна 2.000 АҚШ долларида бериб, жами 9.000 АҚШ долларини Расул ва Санжарнинг ҳисобига ўтказиб беришганини, шундан кейин улар бир неча маротаба Санжар ва Расулни олдига бориб, уларни Корея давлатига ишга жўнатиб юборишини айтган бўлишсада, улар турли хил баҳоналар билан уларни алдаб шу кунга қадар Корея давлатига ишга юбормасдан ёки пулларимини қайтариб бермасдан алдаб келишаётганлиги сабабли ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилишганини, Санжар ва Расулларга нисбатан қонуний чора кўришни ва унга етказилган 7.000 АҚШ доллари зарарни қоплатиб беришда амалий ёрдам беришни сўрашганини, суд жараёнида унга етказилган зарар С.Халматовнинг оила-аъзолари томонидан тўлиқ қопланганини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Жабрланувчи И.Мухпиров судда, 2024 йил апрель ойида Корея давлатига ишлаш учун бормоқчи бўлиб Тошкент шаҳрига бориб, у ерда Корея давлатига ишга кетиш учун имтиҳон топширганини, у имтиҳондан паст бал тўплаганлиги сабабли ўтолмаганлигини, маҳалладоши Қодир акадан Расул исмли шахс Корея давлатига ишга юбориши ҳақида эшитиб, Расул билан телефон орқали гаплашиб, сўнг у билан кўришиб гаплашганида, у олдиндан 2.000 АҚШ доллари бериб, виза чиққанидан кейин яна 5.000 АҚШ доллари берса Санжар исмли таниши орқали уни Корея давлатига ишга юборишини айтганини, унга 2024 йил май ойида 2.000 АҚШ доллари пул берганини, орадан тахминан бир ой вақт ўтганидан кейин Расул уларни Тошкент шаҳрига чақириб, ишга юбориш билан шуғулланувчи Санжар исмли шахс билан таништириб ўзларинг гаплашиб олинглар деганини, Санжар уларга узоғи билан 2 ой муддатда чиқиб кетишларини айтиб, улдардан билет учун 410 АҚШ доллари, виза учун 70 АҚШ долларида олганини, Санжар ва Расул уларни бир неча маротаба Тошкент шаҳрига чақириб, уларга ҳужжатлар тайёр бўлаётганини айтиб, ҳужжатларни тайёрлаш учун қолган пулларни ҳам беришларини айтганини, улар унга қолган пулларни виза чиққанидан кейин беришга келишганини айтган вақтларида, у уларга ҳужжатлари тайёр бўлиб қолганлигини айтиб, бўлиб-бўлиб 5.000 АҚШ доллари олганини, 2024 йил август ойи охирида Санжар уларга қўнғироқ қилиб, Корея давлатига кетиш учун нарсаларини олиб Тошкент шаҳрига боришларини, суҳбатдан ўтиб сўнг Корея давлатига кетишларини айтганини, у шериклари билан бирга Тошкент шаҳрига борганини, у ерда суҳбат бўлишини кутиб бир ҳафта мобайнида меҳмонхонада қолишганини, суҳбат бўлмаганидан кейин улар яшаш уйларига қайтиб келишганини, улар Расул ва Санжардан пулларини қайтариб беришини сўрашганини, улар турли баҳоналар билан алдашганини, суд жараёнида унга етказилган зарар С.Халматовнинг оила-аъзолари томонидан тўлиқ қопланганини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Жабранувчи Д.Аллонов судда, 2024 йил тахминан январь ойида Корея давлатига ишлаш учун бормоқчи бўлиб юрганида маҳалладош танишларидан



Фарғона шаҳрида яшовчи Расул исмли шахс Корея давлатига ишга юбораётганлиги ҳақида эшитганини, маҳалладоши Тешабоев Қодир исмли шахсдан уни Расул билан уни ҳам Корея давлатига ишга юборишини гаплашиб беришини илтимос қилганини, Қодир рози бўлиб бирга Расулни олдига боришганини, Расул унга 10.000 АҚШ доллари берса 2024 йил сентябрь ойига қадар Корея давлатига ишга жўнатиб юборишини, пулларни бўлиб бўлиб бериб бориши лозимлигини айтганини, у рози бўлганини ва унга 2.000 АҚШ доллари берганини, 2024 йил март ойида Корея давлатига шартнома бўйича ишга бориш юзасидан имтиҳон бўлиб ўтганини, у ушбу имтиҳондан ўтолмаганини, Расулга имтиҳондан ўтолмаганини айтганида у май ойида иккинчи имтиҳон бўлишини, ўша имтиҳондан ўтказишини айтганини, 2024 йил май ойида яна имтиҳон топшириш учун борганини, ушбу имтиҳондан ҳам ўтолмаганини, Расулдан пулларини қайтариб беришини сўраганида, у унга бошқа танишлари орқали ишга юборишини айтиб пулларини қайтариб бермаганини, 2024 йил июнь ойи охирида Расул уни ва шериклари Искандар ҳамда Наврўзларни Тошкент шаҳрига чақирганини, улар Тошкентга борган вақтларида Расул уларга Санжар исмли таниши уларни ишга жўнатиб юборишини айтганини, Санжарни чақирганини, Санжар уларни олдига келиб уларни 2024 йил сентябрь ойи охирига қадар ишга жўнатиб юборишини айтиб, пулларни Расул орқали жўнатиб туришини айтганини, улар Санжар билан гаплашиб, ортларига қайтганидан кейин орадан тахминан бир ҳафта ўтганидан кейин Расул уларга Корея давлати билан уларнинг номидан шартнома тузилганини айтиб, уларга Корейс тили ёзувидаги қоғозларни ташлаб берганлигини ва ҳужжатлар учун 1.500 АҚШ долларида беришини айтганини, улар унга 1.500 АҚШ долларида пулларни Расул орқали бериб юборишганини, орадан яна бир ҳафта муддат ўтиб яна 2.000 АҚШ доллари беришларини айтганида яна Расулга ушбу суммадаги пулларни бериб юборганини, у уларга паспортларига визага топширганини айтганини, орадан тахминан 10 кун вақт ўтиб расмлари туширилган қоғозларни ташлаб виза тайёр бўлиб қолганлигини айтиб, яна 2.000 АҚШ долларида беришларини айтганини, улар ушбу пулларни ҳам Расул орқали Санжарга жўнатишганини, орадан тахминан 10 кун вақт ўтганидан кейин Расул уларга ҳужжатлар тайёр бўлиб қолганлигини айтиб яна қайдайдур корейс тилида ёзилган вароқларни ташлаганини ва улардан 1.500 АҚШ долларида пул беришларини сўраганини, улар унга айtilган суммадаги пулларни бериб юборишганини, у пулни олганидан кейин Расул уларни Тошкент шаҳрига чақиртирганини, улар Тошкент шаҳрига борган вақтларида уларни Санжар билан кўриштиришганини, Санжар уларга Корея давлатига кетиш учун ҳужжатлари тайёр бўлганлигини айтиб, бир ҳафтадан кейин Корея давлатига кетишга тайёр ҳолатда келинлар деб ортларига қайтариб юборганини, бир ҳафтадан сўнг Тошкент шаҳрига боришганида Расул уларни кутиб олиб, меҳмонхонага жойлаганини ва кутиб туришса шу ердан Корея давлатига учиб кетишини айтганини, улар бир ҳафта давомида меҳмонхонада кутиб туришганини, Расул билан Санжар уларни олдига келиб отказ бўлиб қолди уларнингга бориб турунлар бир ҳафтада чақирамиз деб қайтариб



юборишганини, шундан кейин бир неча маротаба телефон қилиб пулларини қайтариб беришларини сўраган бўлишсада Санжар ва Расул уларни алдаб пулларини қайтаришмаганини, суд жараёнида унга етказилган зарар С.Халматовнинг оила-аъзолари томонидан тўлиқ қопланганини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Жабрланувчи Н.Турғунов судда, 2024 йил тахминан июнь ойида Корея давлатига ишлаш учун бормоқчи бўлиб юрганида маҳалладош танишларидан Фарғона шаҳрида яшовчи Расул исмли шахс Корея давлатига ишга юбораётганлиги ҳақида эшитганини, шунда у маҳалладоши Ифтихор исмли шахсдан уни Расул билан уни ҳам Корея давлатига ишга юборишини гаплашиб беришини илтимос қилганида Ифтихор унга Расулни телефон рақамини бериб, Расулга тайинлаб қўйишини айтганини, у Расул билан телефон орқали гаплашиб сўнг кўришган вақтда у унга 9.000 АҚШ доллари берса 2024 йил сентябрь ойига қадар Корея давлатига ишга жўнатиб юборишини, пулларни бўлиб бўлиб бериб боришини лозимлигини айтганини, у рози бўлганини ва унга 2.000 АҚШ доллари берганини, 2024 йил июнь ойи охирида Расул уни ва шериклари Искандар ҳамда Достонларни Тошкент шаҳрига чақирганини, улар Тошкентга борган вақтларида Расул уларга Санжар исмли таниши уларни ишга жўнатиб юборишини айтганини ва Санжарни чақирганини Санжар уларни олдига келиб уларни 2024 йил сентябрь ойи охирига қадар ишга жўнатиб юборишини айтиб, пулларини Расул орқали жўнатиб туришини айтганини, улар Санжар билан гаплашиб ортига қайтганидан кейин орадан тахминан бир ҳафта муддат ўтганидан кейин Расул уларга Корея давлати билан уларнинг номидан шартнома тузилганини айтиб, уларга Корейс тили ёзувидаги қоғозларни ташлаб берганини ва ҳужжатлар учун 1.500 АҚШ долларида беришини айтганини, улар унга 1.500 АҚШ долларида Расул орқали бериб юборишганини, орадан яна бир ҳафта муддат ўтиб яна 2.000 АҚШ доллари беришларини айтганини, яна Расулга ушбу суммадаги пулларни бериб юборишганини, у уларга паспортларига визага топширганини айтганини, орадан тахминан 10 кун вақт ўтиб расмлари туширилган қоғозларни ташлаб, виза тайёр бўлиб қолганлигини айтиб, яна 2.000 АҚШ долларида беришни айтганини, улар ушбу пулларни ҳам Расул орқали Санжарга жўнатиб юборишганини, орадан тахминан 10 кун вақт ўтганидан кейин Расул уларга ҳужжатлар тайёр бўлиб қолганлигини айтиб, яна қайдайдур корейс тилида ёзилган вароқларни ташлаганини ва улардан 2.000 АҚШ доллари беришни сўраганини, унга айтилган суммадаги пулларни бериб юборганини, Расул пулни олганидан кейин уларни Тошкент шаҳрига чақиртирганини, улар Тошкент шаҳрига боришганида уларни Санжар билан кўриштирганини, Санжар уларга Корея давлатига кетиш учун ҳужжатлар тайёр бўлганлигини айтиб, бир ҳафтадан кейин Корея давлатига кетишга тайёр ҳолатда келинлар деб ортларига қайтариб юборганини, бир ҳафтадан сўнг Тошкент шаҳрига борганларида Расул уларни кутиб олиб, меҳмонхонага жойлаганини ва шу ердан Корея давлатига учиб кетишларини айтганини, улар бир ҳафта давомида



меҳмонхонада кутиб туришганини, Расул билан Санжар уларни олдига келиб отказ бўлиб қолди уларингга бориб турунлар бир ҳафтада чақирамиз деб қайтариб юборишганини, шундан кейин бир неча маротаба телефон қилиб пулларини қайтариб беришларини сўраган бўлишсада, Санжар ва Расул уларни алдаб пулларини қайтариб беришмаганини, суд жараёнида унга етказилган зарар С.Халматовнинг оила-аъзолари томонидан тўлиқ қопланганини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Жабрланувчи Ж.Жўрахонов судда, 2024 йил май ойида Жанубий Корея давлатига ишлаш учун бормоқчи бўлиб юрганида маҳалладош дўсти Ғайбуллаев Хожиакбар унга таниши Мирзаев Расул исмли бола уни Жанубий Корея давлатига юбориш учун ҳужжатларини тайёрлаётганини айтганини, шунда у Хожиакбардан уни ҳам гаплашиб беришини илтимос қилганини, шунда улар Хожиакбар билан бирга Мирзаев Расулни олдига боришганини, Расул унга 12.000 АҚШ доллари берса уни ҳам Корея давлатига ишга юборишини айтганини, у унга бунча пули йўқлигини айтиб ортига қайтганлигини, шунда Хожиакбар унга Расул билан гаплашиб нархини арзонроқ қилдириб беришини айтганлигини ва орадан бир неча кун вақт ўтганидан кейин Расул 9.500 АҚШ долларига рози бўлганини айтганини, шунда у бир маротаба Расул билан кўришиб унга 1.000 АҚШ доллари берганини, орадан бир неча кун вақт ўтганидан кейин Хожиакбар орқали бўлиб бўлиб яна 8.500 АҚШ долларини бериб юборганини, иккинчи имтиҳонни топшириш учун Тошкент шаҳрига бормоқчи бўлганида Расул уни олдида Тошкент шаҳридаги Санжар исмли шеригига кўнғироқ қилиб, уларни имтиҳонга бораётганликларини айтганида Санжар уларга имтиҳонга бормаи кўяверишларини, ҳужжатларни ўзи тўғирлаб қўйишини айтганлиги сабабли имтиҳонга бормаганини, кейинчалик Расул уларга Жанубий Корея давлатига кетиш учун ҳужжатларни тайёрлаётганини айтиб алдаб юрганини, 2024 йил ноябрь ойида синглиси Малайзия давлатига ўқишга кетаётганлиги сабабли Хожиакбарга Расулдан пулларини олиб беришини айтганида Хожиакбар унга 5.500 АҚШ долларини олиб берганини, шундан кейин у Расулдан қолган 4.000 АҚШ долларини беришни сўраган бўлсада у унга 4.000 АҚШ долларини бермасдан алдаганини, суд жараёнида унга етказилган зарар С.Халматовнинг оила-аъзолари томонидан тўлиқ қопланганини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Бундан ташқари, судланувчининг айби аризалар, тушунтириш хатлари, ҳужжатларни олиш ҳақида баённома ва унга илова қилинган ҳужжатлар, далилий ашёларни олиш тўғрисида баённома ва фотоилова, ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақида қарор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан ҳам ўз исботини топган.

Суд, судланувчининг содир этган қилмишига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Халматовнинг фирибгарлик яъни, бир гуруҳ шахслар билан ўзаро олдиндан тил бириктириб, алдаш ва



ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан хавфли рецидивист бўла туриб, такроран ўзганинг кўп миқдордаги мулкани қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 6-бандида “Судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарур”лиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак” деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.



Мазкур Пленум Қарорининг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим” деб белгиланган.

Суд, юқорида қайд этилган Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорларининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи С.Халматовга жазо тури ва меъёрини белгилашда, жиноятни ғараз ниятда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб, унинг қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида беш нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, етказилган зарарлар қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчиларга зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 168-моддаси 5-қисми талаблари асосида, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жарима жазосини ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда энг кам қисмидан камроқ тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 60,61-моддалари тартибида узил-кесил жазо тайинлашни лозим топди.

Шунингдек суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган 1 дона “DVD” дискни ва 45 вароқдан иборат бўлган ёзишмаларни жиноят иши хужжатларида қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Халматов Санжар Сайиткамалович (Xalmatov Sanjar Sayitkamalovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Халматов Санжар Сайиткамаловичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблашнинг 100 баравари миқдорида, 34.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида С.Халматовга жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2025 йил 25 февралдаги ҳукми билан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблашнинг 120 баравари миқдорида 40.800.000 сўм жарима жазоси ва уй-жойини, яъни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Боротхўжа м.ф.й., Бадахшон кўчаси, 40-уйни иш вақтидан, шунингдек



иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда чиқишни чеклашдан иборат 8 ой 9 кун озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

С.Халматовнинг 2025 йил 11 февралдан 2025 йил 28 апрелга қадар қамоқда сақланган 76 куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан қамоқнинг бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштирилиб, тайинланган жарима жазосидан чегирилиб, узил-кесил базавий ҳисоблашнинг 82 баравари миқдорида 27.880.000 сўм жарима жазоси ва уй-жойини, яъни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Боротхўжа м.ф.й., Бадахшон кўчаси, 40-уйни иш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда чиқишни чеклашдан иборат 8 ой 9 кун озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан С.Халматовга нисбатан тайинланган жазолар ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Озодликни чеклаш жазони ижросини таъминлаш, Халматов Санжар Сайиткамаловичнинг яшаш жойи бўйича Тошкент шаҳар, Миробод тумани ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

С.Халматовга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган 1 дона “DVD” диск ва 45 вароқдан иборат бўлган ёзишмалар жиноят иши ҳужжатларида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кунларидан бошлаб шу муддатда жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин эса кассация тартибида шикоят беришлари, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Эргашев

ҳукм нусхаси аслига тўғри,

